

**2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да  
амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан  
МАЪЛУМОТ**

*(2020 йил 29 май ҳолатига)*

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар	Сарф-харажатлар	Молиялаштириш манбалари	Ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми, қўтилаётган натижа	Бажарилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳаси (кимга, қачон киритилган, хат рақами ва санаси)
<b>III. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>							
<b>3.7. Ҳисобга олиш ва статистика тизимини такомиллаштириш.</b>							
1.	<b>80.</b> Статистика соҳасини янада ривожлантириш бўйича Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, вазирлик ва идоралар.	—	—	—	<p align="center"><b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b></p> <p>1. Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда миллий статистика тизимининг мавжуд ҳолати ўрганиб чиқилди, муаммо ва камчиликлар, шунингдек, ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Натижада, “2020-2025 йиллар учун статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегияси” ишлаб чиқилди. Стратегия 6 бўлимдан иборат бўлиб, 45 та йўналишда тадбирларни амалга оширишни назарда тутди. Тадбирлар 50,0 млн. АҚШ доллари миқдорига Жаҳон банкининг заём маблағлари ҳисобига амалга оширилади.</p> <p>2. Лойиҳани ишлаб чиқишда мамлакатимизда статистик маълумот ишлаб чиқарувчи барча вазирлик ва идоралар (29 та) ҳамда халқаро ташкилотлар (11 та) вакиллари жалб қилинган. Бу борада, 2019 йил давомида 2 маротаба муҳокамалар</p>

							<p>ўтказилган ва 2020 йил 29 январда (№01/1-06-11/5-31) келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>3. Стратегияни тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармон лойиҳаси тайёрланди.</p> <p>4. Таёрланган Фармон лойиҳаси project.gov.uz порталида ID-16764 рақами билан жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокама жараёнида 28 та вазирлик ва идрораларнинг келиб тушган таклиф ва эътирозлари, шунингдек, жамоатчилик фикри ўрганиб чиқилиб, Фармон лойиҳасига тегишли тузатишлар киритилди. Ҳозирда, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ҳужжат Адлия вазирлигига киритилган.</p>
2.	<b>81.</b> “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 август	<b>Давлат статистика қўмитаси,</b> Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги вазирлик ва идоралар.	—	—	—	<p><b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b></p> <p>1. ПҚ-4273-сон (09.04.2019й.) асосида ишлаб чиқилган.</p> <p>2. Лойиҳа - 6 боб ва 40 моддадан иборат. Лойиҳада МДХ, Осиё ва Европа мамлакатларининг, жумладан Германия, Япония, Хитой, Россия Федерацияси, Беларусь, Қирғизистон, Арманистон, Молдова ва бошқа мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. БМТнинг “Расмий статистика тўғрисида”ги модел қонунидан асос қилинган.</p> <p>3. Лойиҳанинг хронологияси: - 29.08.2019й. (ID-6990) жамоатчилик муҳокамасидан ўтди (6 та таклиф оилнди); - 30.10.-25.11.2019й. (ID-9655) 7 та вазирлик ва идора билан келишилди;</p>

						<p>- 26.11.-14.12.2019й. (ID-10536) Адлия вазирлигидан хулоса олиниб келишилди;</p> <p>- 15.12.2019й. (ID-11185) Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>4. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2019 йилдаги 02/9655/1-1394-сон хати билан Президент Администрациясига киритилди.</p> <p>5. Ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида статистика тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон лойиҳасидаги устувор йўналишлар ва вазифалар инobatга олиниб Қонун лойиҳаси қайта ишлаш жараёнида.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонининг (матнда Дастур) 81-бандида назарда тутилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ4273-сон қарорига мувофиқ “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун</p>
--	--	--	--	--	--	---

						<p>лойихаси ишлаб чиқилган.</p> <p>Шу билан бирга, Дастурга мувофиқ Статистика соҳасини янада ривожлантириш бўйича Статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойихасини ишлаб чиқиш вазифалари юкланган.</p> <p>Ушбу вазифалар ижроси бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида статистика тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон лойихасидаги устувор йўналишлар ва вазифалар инobatга олиниб, Қонун лойихаси қайта ишлаш жараёнида.</p> <p>Қонун лойихасида расмий статистика тушунчасини БМТ томонидан тасдиқланган асосий тамойилларга асосланиши ҳамда халқаро статистик стандартларга мос равишда сифатга бўлган талабларни тўлиқ қониқтирилиши инobatга олинган.</p> <p>Лойиха расмий статистикани умумфойдаланиш учун очиқлик ҳолати, маълумотларнинг ошкоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишнинг амалдаги механизмлари қабул қилинган халқаро талабларга тўлиқ жавоб бериши ва натижада мамлакатимизнинг статистика салоҳияти индексидаги ўрнини юқорига кўтаришга хизмат қилади.</p> <p>Қонун лойихасининг мақсади миллий статистика тизимидаги барча субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини яратади</p>
--	--	--	--	--	--	--

							<p>хамда халқаро миқёсда расмий статистиканинг тан олинишига институционал замин бўлади.</p> <p>Қонун лойиҳаси 6 та боб ва 40 та моддадан иборат.</p> <p>Қонун лойиҳаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда 2020 йилнинг 1 августига қадар ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши лозим.</p>
3.	<p><b>82.</b> Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган барча турдаги хўжаликларни ялпи хатловдан ўтказиш.</p>	<p>2020 йил 1 декабрь</p>	<p><b>Давлат статистика қўмитаси,</b> Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар.</p>	—	—	—	<p><b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b></p> <p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Фармон лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур фармон лойиҳа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали 2020 йил 12 март куни 15831-сон билан 16та манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан идоравий келишув ҳамда жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.</p> <p>Жамоатчилик муҳокамаси жараёнида фармон лойиҳасига фуқаролардан таклифлар берилмади. Вазирлик ва идоралардан берилган таклиф ва эътирозлар кўриб чиқилди, ўринли деб топилган таклифлар асосида фармон лойиҳасига тегишли</p>

						<p>Ўзгартиришлар киритилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон лойиҳасига тушунтириш хати, лойиҳанинг ишлаб чиқилиши ва келишилиши хронологияси ҳақида маълумот, шунингдек лойиҳага юридик хизмат раҳбари томонидан хулосани илова қилган ҳолда, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун 2020 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>2. Фармони лойиҳасига мувофиқ, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказиш Концепцияси, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар режаси, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар тасдиқланади.</p> <p>3. Концепцияда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг мақсади ва асосий вазифалари, қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари, рўйхатга олишни амалга оширишда маъсул ташкилотларнинг вазифалари, рўйхатга олиш ишларига жалб этиладиган ходимлар, рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини молиявий таъминлаш каби тадбирлар назарда тутилган.</p> <p>4. Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни</p>
--	--	--	--	--	--	--

							лойихаси, мазкур тадбир билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилади.
4.	<b>28.</b> Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш.	2020 йил 1 июль	<b>Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.</b>	—	—	—	<b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b> Давлат статистика кўмитаси томонидан 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига (Кўмитанинг 01/1-02-17/2-11-сон хати), Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига (Кўмитанинг 01/1-02-17/2-13-сон хати), Молия вазирлигига (Кўмитанинг 01/1-02-17/2-12-сон хати) тақдим этилди. Шунингдек, кўмита томонидан 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига (Кўмитанинг 01/1-02-17/1-98-сон хати), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига (Кўмитанинг 01/1-02-17/2-99-сон хати), Молия вазирлигига (Кўмитанинг 01/1-02-17/2-100-сон хати), Президент Администрациясига (Кўмитанинг 01/1-02-17/1-96-сон, 01/1-02-17/1-97-сон хати) тақдим этилди.
5.	<b>64.</b> 2030 йилгача Миллий Барқарор ривожланиш	2020 йил 1 июль	<b>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва</b>	—	—	—	<b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b> 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20

<p>мақсадларига эришиш юзасидан Ўзбекистоннинг ихтиёрий миллий ҳисоботини шакллантириш.</p>		<p>ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Бош прокуратура.</p>				<p>октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 841-сонли қарори қабул қилинди.</p> <p>2. Миллий Барқарор ривожланишда 16 та мақсад ва 125 та Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланди.</p> <p>Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий Барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси этиб Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси молия вазири Д.А.Қўчқоров тасдиқланди.</p> <p>3. БРМ бўйича миллий платформа (<a href="http://nsdg.stat.uz">http://nsdg.stat.uz</a>). миллий веб-сайт яратилди.</p> <p>4. Хозирги кунда жами 206 та индикатордан 117 та ишлаб чиқилган шундан 115 та индикаторлар бўйича метамаълумотлар веб-сайтга жойлаштирилди.</p> <p>5. Давлат статистика қўмитаси томонидан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб учта тилда (Ўзбек. Рус. Инглиз тилларида) статистик тўпلام нашр этилиб БМТнинг ЕИК (UNESCE) расмий веб-сайтига жойлаштирилди.</p> <p>Ўзбекистоннинг йиллик миллий ҳисоботини шакллантириш учун янгиланган статистик маълумотларни Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 апрелдаги 01/4-15-17/2-75-сон ҳати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарақиёт ва</p>
---	--	--	--	--	--	---



							<p>камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>6. Давлат статистика қўмитаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 65 индикатор бўйича кўрсаткичларни босқичма-босқич ишлаб чиқиш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” таёрланди. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ҳалқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўлинмаси (ФАО) томонидан Ўзбекистонда жорий қилиш бўйича тафсия этилган индикатор бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўрганиб чиқилмоқда.</p> <p>Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Бош прокуратура академияси билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили (Хелена Фрейзер) томонидан Миллий БРМ индикаторларига қўшиш тавсия этилган индикаторлар рўйхати кўриб чиқилди.</p>
6.	<p><b>139.</b> Давлат ташкилотларидаги барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базаларини интеграциялаш орқали маълумотларни бошқаришнинг ягона давлат тизимини яратиш.</p>	<p>2020 йил 1 июнь</p>	<p><b>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги,</b> Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги,</p>	—	—	—	<p><b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b></p> <p>Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда “Давлат органларидан маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихаси тайёрланди ва ўрнатилган тартибда келишиб берилди.</p> <p>Мазкур қарор лойихасига мувофиқ,</p>

			вазирлик ва идоралар.				<p>Давлат статистика қўмитаси томонидан яратиладиган Давлат органлари маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш ахборот тизимида фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотларни:</p> <p>давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатига киритиш ва уларнинг ўрнатилган тартибда янгилаб борилишини мувофиқлаштириш;</p> <p>Давлат статистикаси ишлари дастури доирасида шакллантириладиган статистик ва таҳлилий маълумотларни жамланма ҳолатда ва эгаси мавҳумлаштирилган тарзда тақдим этиш белгиланган.</p>
7.	<p><b>201.</b> Имконияти чекланган фуқароларга ногиронлиги бўлган шахс мақомини беришда электрон маълумотлар платформасини ишлаб чиқиш ва бу жараёни оптималлаштиришда рақамли технологияларни жорий этиш.</p>	2020 йил 1 июль	<p><b>Инновация вазирлиги,</b> Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси.</p>	—	—	—	<p><b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b></p> <p>1. Инновацияларни ривожлантириш вазирлигига “Имконияти чекланган фуқароларга ногиронлиги бўлган шахс мақомини бериш”да электрон маълумотлар платформасини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун Давлат статистика қўмитаси масъул ходими бириктирилди.</p> <p>2. Инновацияларни ривожлантириш вазирлигига 2020 йил 13 март куни юқоридаги топшириқ ижросини ташкил этиш жараёнида иштирок этиш, зарур ҳолларда мавжуд статистик маълумотларни тақдим этиш бўйича Қўмитанинг ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси, барқарор ривожланиш ва ижтимоий соҳа тармоқлари статистикаси бўйича йиғма ахборотларни шакллантириш бўлими етакчи мутахассиси Т.В.Кирпа номзоди кўрсатилиб № 01/4-15-17/2-56</p>

							сонли хат тақдим этилди.
8.	<b>269.</b> Халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга қаратилган кейинги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	2020 йил 1 июнь	<b>Молия вазирлиги,</b> Давлат статистика қўмитаси, ТИВ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, илмий-тадқиқот муассасалари.	—	—	—	<p><b><u>БАЖАРИЛМОҚДА.</u></b></p> <p>Халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирлар доирасида зарур тегишли статистик маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига уларнинг сўрови асосида ишчи тартибда тақдим этилмоқда.</p> <p>Бундан ташқари, бевосита Давлат статистика қўмитасига тегишли бўлган, Жаҳон банкининг “Статистика самарадорлиги индекси”да малакат кўрсаткичини яхшилаш бўйича Жаҳон банки экспертлари билан музокаралар олиб борилиб, амалга оширилган ишлар бўйича Жаҳон банки мутасаддиларини мунтазам хабардор қилиб борилди. Натижада, мазкур индексда малакат кўрсаткичи 64,4 баллга етказилди (2019 йил учун режа 61,1 балл).</p> <p>Натижада 2017, 2018 ва 2019 йил кўрсаткичларига аниқлик киритилиб, 2016 йил якуни билан мавжуд бўлган 48,9 баллга нисбатан 15,5 пунктга оширишга эришилди).</p> <p>2020 йил якуни билан кўрсаткични режадаги 67,5 баллга етказиш чоралари кўрилмоқда.</p>